ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ

К.А.Юнусов

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон хамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир.

Биз бундай ўткир ҳаққикатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ислом Каримов

В статье рассматривается роль негосударственных и общественных организаций в формировании социально активной личности.

In clause the role of not state noncommercial organizations in formation of the socially active person is considered.

Ҳозирда мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, баркамол шахсни тарбиялаб етиштириш, жамият маънавиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жамиятимиз маънавий ҳаётида амал қилаётган миллий мафкуранинг бош ғоясида шахс ва миллатнинг озод ва эркин яшаши, Ватан равнақи йўлида уларнинг барча имкониятларини рўёбга чиқариш, орзу-интилишларини амалга оширишдек улуғ мақсадлар мужассамлашган.

Шахс, миллат ва жамият маънавиятини юксалтириш, ижтимоий фаол шахсни шакллантириш ўзининг миллий-ғоявий асосларига эга. Ижтимоий фаол шахсни шакллантириш, ҳозирда амал қилаётган таълим тизимини янада юксалтириш, ундаги илғор усулларни сақлаб қолган ҳолда, дунёдаги илғор педагогик технологиялар билан бойитишни тақозо этади. Шунингдек, ҳалқаро миқёсда тобора авж олиб бораётган, шахснинг жамият ҳаётида фаоллашувига салбий таъсир кўрсатувчи бузғунчи ёвуз ғояларга таянган омилларга қарши курашиш, уларни бартараф этишдек ўта мураккаб ва машаққатли вазифаларни бажариш зарур.

Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришда масъулият туйғуси билан яшаш, ҳаёт йўлини аниқ мақсадлар билан барпо эта олиш каби кўникмалар муҳим роль ўйнайди. Масъулиятни ҳис қила оладиган шахс ҳаёт кийинчиликларига, синовларига дош бера олади, фаол, эркин ва мустақил фикрлашга қобил бўлади. Унда масъулият билан бирга, ўз-ўзини англаш, шахсий ғурур туйғулари ҳам юқори бўлади.

Шахснинг ижтимоий фаоллашувидаги миллий-ғоявий жиҳатлардан яна бири оилага, ота-онага, фарзандларга, маҳалла, миллат ва юртга фидоийлик, Ватанпарварлик туйғусидир.

Лоқайдлик, бефарқлик, худбинлик (эгоизим), ғаразгўйлик, мунофиқлик, бошқалар ютуғини кўра олмаслик каби иллатлар шахснинг ижтимоий фаоллашувига салбий таъсир кўрсатувчи, ижтимоий муносабатларнинг таранглашувига олиб келувчи омиллар ҳисобланади. Шунинг учун ёш авлоднинг шахс сифатида шаклланиши жараёнида, тарбия жараёнида бундай иллатлар вужудга келишининг олдини олиш муҳимдир.

Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришда эркин ва мустақил фикрлаш, ҳаёт воқелигини тўғри таҳлил қила билиш ва баҳолай олиш каби кўникмалар ҳам асосий ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда мавжуд ижтимоий воқеликни танқидий асосда таҳлил қилиш, танқидий фикрлаш деб аталувчи, бизга ғарбдан кириб келаётган тамойилга эътибор кучаймоқда. Ғарб мафкураси шу орқали биздаги мавжуд шарқона маънавий қадриятларни

синдириб, уларнинг ўрнига ўзларининг ғарбона тафаккур тарзини ва шу орқали турмуш тарзини олиб киришга интилмоқда.

Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришда танқидий тафаккур юритиш муҳим аҳамият касб этса-да, шарқона яшаш тарзини ғарб мафкуравий андозалари, қадриятлари асосида тафтиш қилиш нохолис хулосалар чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий муносабатларда кескинликни, турли ихтилофларни келтириб чиқаради. Охир оқибат эса шахс ижтимоий фаоллигини жамиятнинг мавжуд ижтимоий, маънавий қадриятларини емирувчи омилга айлантиради.

Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришнинг миллий-ғоявий жиҳатлари жуда кенг бўлиб, уларни биргина мақолада тўла қамраб олиш мумкин эмас. Ушбу муаммонинг социологик, педагогик, сиёсий, маънавий-мафкуравий, ҳуқуқий томонлари комплекс ҳолда тадқиқ этилмоғи зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилишда ижтимоий фаол шахсни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришда эса нодавлат ва жамоат ташкилотларининг роли беқиёсдир.

Ҳозирда Ўзбекистонда 5 мингдан зиёд нодавлат ва жамоат бирлашмалари фуқаролик институтлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Айнан мана шу нодавлат ва жамоат ташкилотлари Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки улар том маънода халқ хоҳиши ва интилишларини, мақсад ва манфаатларини ифодаловчи ижтимоий ҳаракатлар, жамғармалар ва уюшмалардир.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишда нодавлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари барпо қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг фаолияти, уларнинг ижтимоий муносабатлардаги иштироки тобора ортиб бормоқда. Фуқаролик жамиятига яқинлашган сари бошқарувнинг кўплаб функциялари давлат тасарруфидан ўз-ўзини бошқарув тизимига ўтказиб борилади. Аҳолининг турли қатламлари, айрим олинган шахс муайян нодавлат ва жамоат ташкилоти орқали жамият бошқарувида фаол қатнашади. Шу аснода жамият ўзини ўзи бошқариб боради. Бу жараёнда қайсидир шахс, ҳоким ёки раҳбар хоҳиш-иродаси, ҳукмронлиги ёки муруввати билан эмас, балки фуқароларнинг демократияга асосланган юксак ҳуқуқий маданияти, дунёқараши устувор бўлади ва ҳар қандай ижтимоий фаолият асосини ташкил қилади.

Нодавлат ва жамоат бирлашмаларини ривожлантиришдан асосий мақсад – жамият аъзоларининг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ва ҳимоя қилишдан иборат. Нодавлат ва жамоат бирлашмалари ўз моҳиятига кўра фуқароларнинг ўзлигини англашига, ижтимоий муносабатларда ўзини-ўзи бошқаришига қаратилган, ихтиёрий тарзда бирлашган, муайян бир мақсадга эришишни назарда тутган фуқаролик институтларидир.

Аҳолининг турли қатламлари, ҳар бир фуқаро муайян нодавлат ва жамоат ташкилоти орқали ўз манфаатларини амалга ошириб бориб, жамият бошқарувида фаол қатнашади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг барча соҳалари нодавлат ташкилотлари, турли жамғармалар томонидан қамраб олинади.

Президентимиз Ислом Каримов нодавлат ташкилотларидан муҳими бўлган маҳалла тўғрисида фикр билдириб: “Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан — кучли жамият сари” деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда”[1],- деб ёзади.

2008 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати Кенгашининг “Нодавлат

[1] Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 – Б.59-60

нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилинди. Унга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил қилиниб, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди.

Ушбу Фонд ва Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар тақсимланишини ташкил этиш, ННТ ни моддий, молиявий қўллаб-қувватлаш дастурини шакллантириш ҳамда амалга ошириш мақсадида тузилди.

Қўшма қарорнинг аҳамияти шундаки, у жамоат фондлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига молиявий кўмак бериш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш ва шу орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш қобилиятини амалда кучайтириш мақсадига қаратилган.

Моддий-молиявий жиҳатдан бақувват бўлган ҳар бир нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолияти орқали кенг аҳоли оммаси онги ва қалбига миллий ғоя тамойилларини сингдириб бориш имкониятига кўпроқ эга бўлади. ННТ лари маблағларининг салмоқли қисмини аҳоли ўртасида маънавий-мафкуравий ишларни амалга оширишга сарфламоғи лозим. Чунки аҳолининг юксак маънавиятга эришуви орқалигина ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асослари барпо қилинади.

ННТ лар мамлакатимизга суқилиб кираётган турли ғоявий-мафкуравий ҳуружларга қарши курашда муҳим роль ўйнайди. Сўнгги ўн йилликда жамиятимиз ҳаётида содир бўлган турли ижтимоий-мафкуравий жараёнлар буни тўла тасдиқламоқда.

Мамлакатимизнинг турли вилоятларида, хусусан, Андижон вилоятида 1991–2005 йилларда фаолият кўрсатган турли норасмий диний секталар ҳам ўзларининг миссионерлик фаолияти билан маҳаллий ёшлар — ислом динига эътиқод қилувчи оилаларинг фарзандлари онгига ўзларининг диний ғояларини сингдиришга ҳаракат қилдилар. Улар муқаддас ислом динимизни қоралаш орқали ўз диний ақидаларини турли воситалардан фойдаланиб ёшлар онгига, дунёқарашига сингдиришга интилдилар. Уларга қарши курашда маҳалла, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати, Нуроний жамғармаси, Хотин-қизлар қўмиталари фаолияти жуда муҳим ижтимоий-мафкуравий аҳамият касб этди.

Ҳозирда дунё миқёсида III жаҳон уруши сифатида эътироф этилаётган халқаро терроризм, IV жаҳон уруши сифатида тан олинаётган ахборот-мафкуравий уруш мамлакатимиздаги ижтимоий барқарорликка таҳдид солмоқда. Уларга қарши курашнинг энг мақбул, самарали усулларидан бири миллий ғояни, қадриятларни ёшлар онги ва қалбига изчиллик билан сингдириб боришдир. Чунки миллий ғоя аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи омилларга қарши курашнинг ҳам назарий-методологик, ҳам амалий асоси бўла олади. Бунда ННТ ларнинг маънавий-мафкуравий фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилиш ижтимоий фаол шахсни шакллантириш орқалигина амалга оширилиши мумкин.

2. Ижтимоий фаол шахсни шакллантириш жараёни ўзининг мураккаб сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий томонларига эга бўлиб, унда нодавлат ва жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутади.

3. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган ҳар қандай бошқарув усули ижтимоий фаол шахсни шакллантиришга, фуқаролик жамияти тамойилларининг амал қилишига тўсқинлик қилади.

4. ННТ лари фаолияти орқали кенг аҳоли оммасининг турли қатламларига, шахс онги ва қалбига миллий қадриятларни, миллий ғоя тамойилларини сингдириб бориш билан уларда миллий туйғу, демократик тафаккур тарзининг умумбашарий ва миллий хусусиятлари шакллантирилади. Мазкур ижтимоий-маънавий технология қанчалик самарали татбиқ этилса, фуқаролик жамияти асослари, муносабатлари шунчалик муваффақиятли рўёбга чиқади.

Андижон Давлат университети,
2009 йил 12 мартда қабул қилинган